

Google Play иловалар дўконига янги «Ҳикматлар» номли электрон иловаси жойланди



23:12 / 02.11.2022 1731

Arabic.uz каналининг ҳикматларга кўнгил қўйган, руҳиятига таскин излаган азиз фойдаланувчилар!

Каналнинг фейсбукдаги саҳифаси 2012 йил 19 декабрдан бошлаб, илк фаолиятини йўлга қўйган. Шу кунга қадар узлуксиз равишда сиз азизларга ҳикматлар тақдим этиб келмоқда. Қарийб 10 йилдан бери arabicuz нинг ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларига жойланган ҳикматлар адади 10.000 тадан ортди ва минг шукрим, илмий жараён узлуксиз давом этмоқда.

Бугун сизга тақдим этмоқчи бўлган хушхабаримиз — интернетдаги Google

Play иловалар дўконига «Hilol-Nashr» нашриёт матбааси томонидан ҳар бири 500 тадан иборат 20 тўплам кўринишида, «Ҳикматлар» номи остида янги электрон илова жойланди. Ушбу меҳнат юқорида зикр айтганимиздек, ўн йиллар давомида arabic.uz каналига жойлаб келинган 10.000 ҳикматни ўзида жамлаган иловадир.

Барча азизларимизни Google Playга кириб ушбу:

<https://play.google.com/store/apps/details?id=uz.arabic.hikmatlar> иловасини ўзларининг смартфон ёки ноутбукларига ўрнатиб олишлари ва ҳикматлар боғининг қалбга сокинлик ва ором берувчи ифорларидан баҳраманд бўлишга таклиф этамиз.

Маълумки, 2003 йилда фазилатли шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф раҳимаҳуллоҳ томонларидан islom.uz порталига асос солинган. arabic.uz сайти ушбу портал таркибига кирувчи сайтлардан бири бўлиб, ҳазрат раҳимаҳуллоҳнинг тавсия ва маслаҳатлари билан иш бошлаган. Сайт бош муҳаррири таржимон, муаллиф устоз Анвар Аҳмад домла @arabicuz @hadisislomuz, @madrasaislomuz каналлари раҳбаридир.

Аллоҳ таоло барчамизни Ўзи яхши кўрадиган ва рози бўладиган амалларга йўллаб қўйсин!

Бобур Аҳмад. @arabicuz